Вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантиришга ислоҳотларнинг. дастлабки йилларіданоқ эътибор берилиб келинган бўлсада, фақатгина 2002 йилга келиб фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда туб бурилиш ва ўзгариш юз берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора—тадбирлари тўғрисида»ги 8 — сонли Қарорига асосан вилоятнинг Меҳнатобод ва Мирзаобод туманларидаги деярли барча ширкат хўжаликлари тутатилиб, улар ўрнида мос равишда 570 ва 624 та мустақил фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004 — 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепцияси» тўғрисидаги Фармони ва ушбу Фармон асосида 2003 йил 30 октябрда қабул қилинган «2004 — 2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш чора—тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 476 — сонли қарорига мувофиқ 2004 — 2006 йиллар давомида вилоятнинг Оқ — олтин туманида 1 та, Гулистон туманида 2 та, Ховос туманида 3 та, Боёвут туманида 3 та, Сайхунобод туманида 2 та, Сирдарё туманида 12 та ва Мирзаобод туманида 2 та ёки вилоят бўйича қўшимча равишда 25 та зарар билан ишлаётган ва паст рентабелли ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликларини ташкил этиш белгилаб олинган.

Ушбу ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга тадбиқ этилшпи ўзининг дастлабки ижобий натижаларини берди. Бинобарин, бугунги кунга келиб вилоятда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сони 7221 тага етди ёки сўнгги беш йил мобайнида 2,6 маротабага кўпайди (1 — жадвал).

**1-жадвал**

**Сирдарё вилоятида 2000-2004 йилларда фермер хўжаликлари сонининг динамикаси**

| Туманлар | Йиллар | | | | | 2004 й. 2000 й. нисб. марта |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | |
| Боявут | 390 | 416 | 493 | 586 | 871 | 2,2 |
| Гулистон | 476 | 568 | 623 | 723 | 766 | 1,6 |
| Мирзаобод | 251 | 281 | 570 | 635 | 868 | 3,5 |
| Меҳнатобод* | 338 | 353 | 624 | 678 | — | — |
| Оқ—олтин | 104 | 184 | 241 | 846 | 926 | 8,9 |
| Сардоба | 279 | 335 | 373 | 754 | 721 | ■ 2,6 |
| Сайхунобод | 389 | 512 | 617 | 795 | 903 | 2,3 |
| Сирдарё | 330 | 420 | 614 | 793 | 1223 | 3,7 |
| Ховос | 185 | 226 | 275 | 338 | 932 | 5 |
| Гулистон ш. | 5 | 5 | 5 | 3 | 5 | — |
| Янгиер ш. | 16 | 15 | 17 | 18 | 6 | 0,4 |
| Ширин ш. | 2 | 1 | 1 | 1 | — | - |
| Вилоят бўйича жами | 2765 | 3316 | 4453 | 6170 | 7221 | 2,6 |

Таҳлил қилинган йиллар давомида вилоятнинг Оқ —олтин туманида фермер хўжаликлари сони 104 тадан 926 тагача ёки 8,9 маротаба, Ховос туманида 185 тадан 932 тагача ёки 5 маротаба, Сирдарё туманида 330 тадан 1223 тагача ёки 3,4 маротаба, Мирзаобод туманида 251 тадан 868 тагача ёки 3,5 маротаба, Сайҳунобод туманида 389 Тадан 903 тагача ёки 2,3 маротаба, Сардоба туманида 279 тадан 721 тагача ёки 2,6 маротабага кўпайган. Умуман олганда, тадқиқ этилган давр мобайнида вилоятнинг барча туманларда фермер хўжаликлари сонининг ортиши кузатилган ва бу ташкилий муҳим тадбир ўзининг дастлабки ижобий натижаларни бера бошлади.

-Келтирилган таҳлил маълумотларидан кўриниб-турибдики, фермер хўжаликлари сонининг барқарор ўсишига эришилган, лекин вилоятнинг Янгиер ва Ширин шахарларида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари сонининг камайиш тенденцияси рўй берган. Муаллиф томонидан жойида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатдики, бунинг асосий сабаблари биринчи ҳолатда (Янгиер ш.) тугатилган фермер хўжаликлари раҳбарларининг ноқишлоқ хўжалиқ мутахассислигидаги касб эгаси эканлиги, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юритиш борасида етарлича малакага эга эмаслиги, олинган мажбуриятни сурункасига бажармаганлиги бўлса, иккинчи ҳолатда (Ширин ш.) фермер хўжалиги раҳбарларининг ўз хоҳиши, яъни хўжалик юритшп истаги бўлмаганлиги натижасида юзага келган.

Вилоятда фаолият юритаётган 7221 та фермер хўжалигининг 6710 таси (93,0 фоизи) пахта ва ғалла, 177 таси (2,4 фоизи) боғдорчилик, 61 таси (0,8 фоизи) сабзавот, 112 таси (1,6 фоизи) гўшт —сут, 95 таси (1,3 фоизи) сут—гўшт ва 66 таси (0,9 фоизи) гўшт—жун маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган ва уларнинг вилоят туманлари бўйича тақсимланиши 2 — жадвалда келтирилган.

**2-жадвал Сирдарё вилоятидаги турли ихтисослашувдаги мавжуд фермер ____________ хўжаликлари тўғрисида маълумот (01.01.2005 й.)____________**

| Туманлар | Фермер Кўжа—ликлари жами | Ўсим—ликчи—лик | Шундан | | | Чор-вачи—лик | Шундан | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Пахта—ғалла | Бог-чилик | Сабза — вотчилик | | Қорамол—чилик | | Гўшт — жун иунали—шидаги қўйчилик |
| | | | | | | | Гўшт — сут | Сут-гўшт | |
| Боявут | 871 | 824 | 815 | 4 | 5 | 47 | 20 | 23 | 4 |
| Гулистон | 766 | 717 | 688 | 24 | 5 | 49 | 26 | 21 | 2 |
| Мирзаобод | 868 | 847 | 838 | 5 | 4 | 21 | 4 | •6 | 11 |
| Оқ — олтин | 926 | 879 | 870 | 9 | - | 47 | 14 | 15 | 18 |
| Сардоба | 721 | 710 | 710 | - | - | 11 | .2 | 6 | 3 |
| Сайҳунобод | 903 | 874 | 865 | 2 | 7 | 29 | 16 | 9 | 4 |
| Сирдарё | 1223 | 1207 | 1164 | 31 | 12 | 16 | 10 | 4 | 2 |
| Хавост | 932 | 881 | 749 | 98 | 34 | 51 | 18 | 11 | 22 |
| Гулистон ш. | 5 | 3 | - | 3 | - | 2 | 2 | - | - |
| Янгиер ш. | 6 | 6 | 4 | 1 | 1 | - | - | - | - |
| Вилоят бўйича | (7221 | 6948 | 6710 | 177 | 61 | 273 | 112 | 95 | 66 |
| Жамидаги салмоғи, % | 100 | 96,2 | 93,0 | 2,4 | 0,8 | 3,8 | 1,6 | 1,3 | 0,9 |
| | | | | | | | | | |

Демак, жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мавжуд фермер хўжаликларининг 6948 таси ёки 96,2 фоизи деҳқончилик ва 273 таси ёки 3,8 фоизи чорвачилик йўналишидаги хўжаликлардир. Вилоят фермер хўжаликлари фаолиятида пахта ва ғалла етиштириш асосий ўрин эгаллайди. Айниқса Оқ-олтин, Сардоба, Сирдарё, Сайҳунобод туманлари фермер хўжаликлари асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашгандир. Мисол учун, Сардоба туманидаги мавжуд 721 та фермер хўжалигидан 710 таси (98,5 %) ўсимликчиликка, шундан барчаси (100%) пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган, Оқ —олтин туманида мавжуд 926 та хўжаликдан 879 таси (95,0%) ўсимликчилик йўналишидаги фермерлар -бўлиб, шундан 870 тас-и (99,0%) пахта-ғалла-етиштиришга ихтисослашгандир. Шу тариқа бошқа туманларда ҳам жами фермер хўжаликлари таркибида ўсимликчилик, хусусан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар салмоғи юқори бўлган.

Оқ-олтин, Сардоба, Сирдарё, Сайҳунобод туманлари фермер хўжаликлари асосан пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашгандир. Мисол учун, Сардоба туманидаги мавжуд 721 та фермер хўжалигидан 710 таси (98,5 %) ўсимликчиликка, шундан барчаси (100%) пахта ва ғалла етиштиришга ихтисослашган, Оқ—олтин туманида мавжуд 926 та хўжаликдан 879 таси (95,0%) ўсимликчилик йўналишидаги фермерлар бўлиб, шундан 870 таси (99,0%) пахта-ғалла етиштиришга ихтисос-лашгандир. Демак, хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик йўналишидаги фермер хўжаликлари сони катта салмоқни ташкил этмоқда. Лекин, амалиёт натижалари вилоятда асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун фермер хўжаликларига ажратиб берилган экин майдонлари ва ушбу майдонлардан олинаётган ялпи маҳсулот салмоғи фермер хўжаликлари олдига қўйилган талаб ва уларга яратиб берилаётган имконият даражаларига мос келмаётганини кўрсатмоқда (3 —жадвал).

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, агар 2000 йилда вилоятдаш жами пахта экин майдонларининг 41,8 фоизи ва пахта ялпи ҳосилининг 46,0 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткичлар мос равишда 79,0 ва 76,2 фоизни ташкил этган, бошоқли дон экинлари бўйича ҳам бу кўрсаткичлар мос равишда 2000 йилда 29,8 ва 28,0 фоизни, 2004 йилда эса 94,3 ва 97,1 фоизни ташкил қилган, сабзавот экинлари бўйича эса мос равишда 2000 йилда 4,3 ва 1,4 фоиз, 2004 йилда 25,0 ва 16,4 фоизни ташкил этган, ниҳоят полиз экинлари бўйича мос равишда 2000 йилда 13,0 ва 2,7 фоиз, 2004 йилда эса 60,9 ва 48,0 фоизни ташкил этган. Ёки мазкур турдаги маҳсулотларни етиштириш ва ушбу мақсад учун ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги 2000-2004 йиллар мобайнида фермер хўжаликларида паст бўлган.

Албатта, бунга бир қатор объектив ва субъектив омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Жумладан, нисбатан оғир табиий-иқлим шароитлари, ресурслар таъминотининг яхши йўлга қўйилмаганлиги, фермер хўжаликларининг янгидан ташкил этилганлиги ва мустаҳкам моддий - техника базасига эга эмаслиги, хўжалик раҳбарларининг бозор м^нпгабатлапи тттаооитила ишлаш буйича етарлича билим, кўникма ва малакага эга эмаслиги, уларни зарур ахборотлар билан таъминлаш тизимининг заифлиги ва ҳоказо.

**3—жадвал Сирдарё вилояти фермер хўжаликларида деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича асосий кўрсаткичлар**

| Экин тури | Кўрсаткичлар | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2004 й. 2000 й. нисб. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Экин майдони, минг га~ | 56,5 " | 58,0 | 6~4~~~ | 84,4~~ | 106,5 ~ | 2,0 |
| | Салмоғи % | 41,8 | 42,5 | 52,2 | 75,7 | 79,0 | х |
| Пахта | Ҳосилдорлик, ц/га | 14,3 | 16,1 | 13,7 | 13,6 | 14,5' | 1,0 |
| | Ялпи ҳосил, минг тн. | 80,5 | 93,6 | 87,9 | 114,7 | 154,4 | 2,0 |
| | Салмоғи, % | 46,0 | 51,4 | 63,2 | 58,6 | 76,2 | х |
| | Экин майдони, минг га | 27,5 | 31,9 | 43,3 | 68,7 | 90,5 | 3,3 |
| | Салмоғи% | 29,8 | 37,8 | 45,1 | 72,8 | 94,3 | х |
| Ьошоқли АоН | ХосилдорлиК|_ц/га | 18,6 | 24,7 | 22,8 | 25,1 | 27,3 | 1,5 |
| | Ялпи ҳосил, минг тн. | 51,0 | 78,7 | 98,7 | 172,4 | 257,4 | 5,0 |
| | Салмоғи, % | 28,0 | 37,8 | 44,3 | 72,0 | 97,1 | х |
| | Экин майдони, минг га | 0,2 | 0,3 | 0,4 | 0,6 | 1,1 | 5^5 |
| | Салмоғи% | 4,3 | 6,8~~ | 9,7 | 13,6 | ~~~~Г~ | х |
| Сабзавот | Ҳосилдорлик, ц/га | 65,0 | 73,5 | 108,9 | 157,4 | 159,5 | 2,5 |
| | Ялпи ҳосил, минг тн. | 1,3 | 2,2 | 4,3 | 9,4 | 17,5 | 13,5 |
| | Салмоғи, % | 1,4 | 2,4 | 4,5 | 9,1 | 16,4 | х |
| | Экин майдони, минг га | 0,3 | 0,4 | 0,9 | 2,1 | 2,8 | 9,3 |
| | Салмоғи% | 13,0 | 17,3 | 24,3 | 45,6 | 60,9 | х |
| Полиз | Ҳосилдорлик, ц/га | 61,3 | 48,9 | 104,3 | 179,4 | 182,1 | 3,0 |
| | Ялпи ҳосил, минг тн. | 1,8 | 1,9 | 9,4 | 37,7 | 51,0 | 28,3 |
| | Салмоғи,,% | | 2,7 | 2,5 | 11,7 | 35,2 | 48,0 | х |

Манба: Сирдарё вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди

Бундай вазиятларда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари маҳсулот етиштириш ва умуман ишлаб чиқариш— хўжалик фаолияти самарадорлигини чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги фаолияти монографик ўрганилди. Дастлаб ушбу хўжаликда юқоридаги жадвалда келтирилган экин турлари бўйича асосий иқтисодий кўрсаткичлар таҳлил қилинди (4—жадвал).

Келтирилган таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, асосий турдаги қишлоқ хўжалик махсулотлари (пахта, буғдой, сабзавот) етиштиришда хўжаликда оҳирги уч йил давомида ишлаб чиқариш рентабеллиги даражасининг барқарор ўсишига эришилган, гарчанд пахта етиштиришда бирмунча тебранишлар юз берган.

Шу тариқа, 2002 йилда бир центнер пахта хом —ашёсини ишлаб чиқариш таннархи 10951 сўм ва сотиш баҳоси 12815 сўмни мос равишда бир центнер ва гектар ҳисобига фойда 1864 ва 54056 сўмни, рентабеллик д,аражаси 17,0 % ташкил этган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткичлар мос равишда 20692,7 сўм, 25235 сўм, 4542,3 сўм, 129455,6 сўм ва 22,0 % гашкил қилган. Буғдой етиштиришда ушбу кўрсаткичлар 2002 йилда мос равишда 3850 сўм, 5610 сўм, 1760 сўм, 59840 сўм ва 45,7 %, 2004 йилда эса 5060 сўм, 7830 сўм, 2770 сўм, 102490 сўм ва 54,7 % ташкил қилган. Сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 2002 йилда 6775 сўм, 8125 сўм, 1350 сўм, 155250 сўм ва 19,6 %, 2004 йилда эса 8760 сўм, 12574 сўм, 3814 сўм, 610240 сўм ва 43,5 % ташкил этган.

**4-жадвал Гулистон тумани «Умид» фермер хўжалигининг асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари (сўм ҳисобида)**

| Махсулот! ^гури | т,,, Кур^аткичлар | Йиллар ~~00~~П | 2003 | 2004 |
|---|---|---|---|---|
| Пахта | 1ц. маҳсулот таннархи | 10951 | 17580 | ,20692,7 |
| | 1ц. маҳсулот сотиш баҳоси | 12815 | 19750 | 25235 |
| | 1ц. маҳсулот сотишдан кўрилган соф фойда ёки зарар | .,,,,. | ,,,?п | 4^49 3 |
| | 1 га. ҳисобига олинган соф фойда ёки зарар | 54056 | 58590 | 129455,6 |
| | Рентабеллик даражаси % | 17,0 | 12,3 | 22,0 |
| Буғдой | 1ц. маҳсулот таннархи | 3850 | 4125 | 5060 |
| | 1ц. маҳсулот сотиш баҳоси | 5610 | 6580 | 7830 |
| | 1ц. маҳсулот сотишдан кўрилган соф фойда ёки зарар | .,,,.,, | 'удчч | о?70 |
| | 1 га. ҳисобига олинган соф фойда ёки зарар | 59840 | 88380 | 102490 |
| | Рентабеллик даражаси % | 45,7 | 59,5 | 54,7 |
| Сабзавот | 1ц. маҳсулот таннархи | 6775 | 7256 | 8760 |
| | 1ц. маҳсулот сотиш баҳоси | 8125 | 10121 | 12574 |
| | 1ц. маҳсулот сотишдан кўрилган соф фойда ёки зарар | . ,,,,,, | ОЙКЧ | ЗЯ1Д |
| | 1 га. ҳисобига олинган соф фойда ёки зарар | 155250 | 449805 | 610240 |
| | Рентабеллик даражаси % | 19,6 | 39,4 | 43,5 |

Манба: «Умид» фермер хўжалиги ҳисоботлари асосида тузилди

Соф фойда ва рентабеллик даражасининг ўсиш суръати шунингдек сабзавот махсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига ҳам тегишли бўлиб, фермер хўжалигида имкониятлар катта эканлигини кўрсатади. Ушбу ва бошқа таҳлил натижалари асосида улар бўйича тадқиқот жараёнида илмий — амалий асосланган хулосалар ишлаб чиқилди.

Маълумки, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлиги етказиб бериладиган саноат маҳсулотлари баҳолари даражасига бевосита боғлиқ, чунки, зотан қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги мутаносиб товар айрибошлаш бузилганда, яъни таъкидламоқчимизки, саноат маҳсулотлари баҳоларининг ўсиш индекси аграр соҳа маҳсулотлари баҳоларининг ўсиш индексидан бир неча маротаба ошиб кетганда ушбу муаммо янада кескин, таъбир жоиз бўлса, хатарли тус олади.

Бинобарин, олиб борилган кузатув натижаларига кўра 1995 — 2004 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳосига нисбатан саноат маҳсулотлари баҳолари индекси қарийб 1,4—1,5 маротаба тезкор суръатлар билан ўсиб борган (1 — расм).

Келтирилган таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган саноат маҳсулотлари ва хизматлари баҳолари индекси 2004 йилда 1995 йилга нисбатан 37,2 маротабага, қишло хўжалиги маҳсулотлари бахолари индекси эса 26,1 маротабага ўсган,.ёки индексларнинг ўсиши ўртасидаги тафовут 1,4 маротабани ташкил этган.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳолари индексларининг ўзгариши (1995-2004 йй.)

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

1—расм

Бошқача қилиб айтганда, 2004 йилда 1995 йилДаги ҳажмларда саноат маҳсулотлари сотиб олишдан бошқа шароитларни тенг деб олинганда, қарийб 1,4 маротаба кўпроқ ҳажмдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш талаб этилади деган хулоса чиқариш мумкин.

Маълумки, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришда моддий — техника ресурслари таркибига кирувчи минерал ўғитлар билан таъминланиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан вилоят фермер хўжаликларини ушбу турдаги ресурсга бўлган талаби ва уни қондирилиш даражаси таҳлил қилинди (2 —расм).

Келтирилган таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, умуман олганда фермер хўжаликларининг барча турдаги (ИРК) минерал ўғитларга ва уни алоҳида турлари, жумладан фосфор (Р) ва калий (К) ўғитларига бўлган талаби тадқиқ этилган йиллар давомида сурункасига қондирилмай келинмоқда. Фақатгина азотли (N1 ўғитлар бўйича таъминланиш талабдан юқори бўлиб, бу асосан мазкур турдаги ўғитларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши билан изоҳланади.

Тадбирларнинг ташкилий — иқтисодий асосларидаги айрим камчиликлар ва улар ижросини талаб даражасида таъминланмаслиги натижасида, фермерларга ресурслар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш муаммоси сақланиб қолмоқда. Шуни ҳисобга олиб таъкидлаш лозимки, ҳозирда фе^мерларни ресурслар билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишнинг мутлақо янги, муқобил, уйғунлашган тизимини яратиш давр тақозоси бўлиб қолмоқда. хўжалиги маҳсулотлари бахолари индекси эса 26,1 маротабага ўсган,.ёки индексларнинг ўсиши ўртасидаги тафовут 1,4 маротабани ташкил этган.

Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари баҳолари индексларининг ўзгариши (1995-2004 йй.)

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилди

1—расм

Бошқача қилиб айтганда, 2004 йилда 1995 йилДаги ҳажмларда саноат маҳсулотлари сотиб олишдан бошқа шароитларни тенг деб олинганда, қарийб 1,4 маротаба кўпроқ ҳажмдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш талаб этилади деган хулоса чиқариш мумкин.

Маълумки, ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни интенсив ривожлантиришда моддий — техника ресурслари таркибига кирувчи минерал ўғитлар билан таъминланиш ва улардан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан вилоят фермер хўжаликларини ушбу турдаги ресурсга бўлган талаби ва уни қондирилиш даражаси таҳлил қилинди (2 —расм).

Келтирилган таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, умуман олганда фермер хўжаликларининг барча турдаги (ИРК) минерал ўғитларга ва уни алоҳида турлари, жумладан фосфор (Р) ва калий (К) ўғитларига бўлган талаби тадқиқ этилган йиллар давомида сурункасига қондирилмай келинмоқда. Фақатгина азотли (N1 ўғитлар бўйича таъминланиш талабдан юқори бўлиб, бу асосан мазкур турдаги ўғитларнинг ўзимизда ишлаб чиқарилиши билан изоҳланади.

Тадбирларнинг ташкилий — иқтисодий асосларидаги айрим камчиликлар ва улар ижросини талаб даражасида таъминланмаслиги натижасида, фермерларга ресурслар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш муаммоси сақланиб қолмоқда. Шуни ҳисобга олиб таъкидлаш лозимки, ҳозирда фе^мерларни ресурслар билан таъминлаш ва уларга хизмат кўрсатишнинг мутлақо янги, муқобил, уйғунлашган тизимини яратиш давр тақозоси бўлиб қолмоқда.

15

Сирдарё вилояти фермер хўжаликларини асосий турдаги минерал ўғитлар билан таъминлаш даражасининг динамикаси,

минг тпння 1ПП% гпгЬ упядя Г?П0П-?.ПП4 ЙЙЛ

Манба: Сирдаре вилояти Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилди.

2-расм

| Кўрсаткичлар | 2003йил | 2004 йил | 2005 йил | 2006 йил | 2007 йил | 2008 йил | 2008 йилда 2007йилга нисбатан ўзгариши (+,-) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони. бирлик | 55445 | 72406 | 87552 | 103921 | 125668 | 189235 | +133790 |
| Фаолиятини тўхтатган фермер хўжаликлари сони. бирлик | 584 | 856 | 668 | 1508 | 2521 | 1836 | +1252 |
| фермер хўжаликларида банд бўлган ишчи кучи сони, минг киши | 386.2 | 488 | 603 | 765.3 | 954.2 | 1381.1 | +994.9 |
| Битта фермер хўжалигида банд бўлганлар ўртача сони, киши | 7 | 6.7 | 6.9 | 7.4 | 7.6 | 7.3 | +0.3 |
| фермер хўжаликларида ҳар 100га ерга тўғри келувчи ишловчилар сони, киши | 36.6 | 30.7 | 28.1 | 26.1 | 25.3 | 27.9 | -8.7 |
| фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти таркибидаги улуши, % | 6.9 | 9.9 | 14.1 | 20.4 | 24.5 | 32.3 | +25.4 |
| фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони, минг гектар | 1054.7 | 1591.7 | 2148.1 | 2935.3 | 3775.3 | 4953.2 | +3898.5 |
| Ҳар бир фермер хўжаликларига тўғри келувчи ўртача ер майдони, гектар | 19 | 22 | 24.5 | 28.2 | 30 | 26.2 | +7.2 |
| фермер хўжаликларида 1нафар ишловчига тўғри келувчи ўртача ер майдони, га | 2.7 | 3.3 | 3.6 | 3.8 | 4 | 3.6 | +0.9 |

Бизнингча, бундай тизим фермер хўжаликлари ҳамда ресурс етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг тегишли улушлар киритиш асосида иштирок этиш тамойиллари негизида ташкил топадиган бирлашмалар, яъни агроконсорциумлар шаклида тузидиши ва фаолият юритиши лозим (2 —илова).

Бу каби тузилмалар кооперациянинг самарали шаклларидан бири сифатида намоён бўлади ва уларга аъзо бўлиб кирган субъектлар қизиқиш ва манфаатларига мос келади.

Агроконсорциумларга бизнингча, фермер хўжаликлари, моддий — техника ресурслари етказиб берувчилар («Қишлоқхўжаликкимё» туман бирлашмалари, нефт маҳсулотлари корхоналари, техника ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарувчи заводларнинг жойлардаги дилерлик марказлари ва ҳ.к.) ҳамда, хизмат кўрсатувчи тузилмалар (МТП, ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш хизматлари, зооветпунктлар ва ҳ.к.) бирлашиши мумкин.

Бундай тузилмалар халқ хўжалигининг бир нечта тармоқлари корхоналари, ҳаттоки молия муассасалари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, сақлаш, қайта йшлаш ва реализация қилиш, яъни тайёр истеъмол товар(маҳсулот)ларини истеъмолчигача етказиш билан боғлиқ барча субъектларнинг ўзаро манфаатлари уйғунлигига асосланган ва, шунингдек, бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган ҳамкорлик шакли ҳисобланади.

Шу боисдан ҳам ҳозирги даврда бундай тузилмаларнинг деярли йўқлиги ва уларнинг юксак самарали фаолиятларни ташкил этишдаги афзалликларини эътиборга олиб, бу соҳада илмий — тадқиқот изланишларини риВожлантириш мақсадга мувофиқдир.

# Ўзбекистон Республикасида 2003-2008йилларда фермер хўжаликлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

**Фермер хўжаликлари гурухлари оптимал ер майдонини ва ишлаб чиқариш натижалари.**

**3.2- жадвал**

| Фермер хўжаликлари гурухи | Ҳаражатлар | | даромад | |
|---|---|---|---|---|
| | **Х опт,га** | **Уэ минг сўм** | **Х опт,га** | **Уэ минг сўм** |
| 10 га. гача | 9.76 | 308.5 | 7.04 | 345.0 |
| 20 га. гача. | 12.8 | 372.9 | 11.1 | 375.7 |
| 20 га. дан юқори | 27.5 | 330.9 | 22.4 | 379.5 |

**3,5-жадвал**

**20 гектардан ортиқ ери бор фермер хўжаликлари ривожланиш вариантлари**

| | **Кўрсаткичлар** | **Пахта** | | | | | | **Буғдой** | | | | **Сабзовот** | | **Боғғлар** | | **Чегаравий** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | $X_1$ | X | $X_3$ | $X_4$ | $X_5$ | $X_6$ | $X_7$ | $X_8$ | $X_9$ | $X_{10}$ | $X_{11}$ | $X_{12}$ | $X_{13}$ | $X_{14}$ | В-1 | В-2 |
| **1** | Ер | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | ≤30 | 35≤ |
| **2** | Буғдой майдони | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | ≤8,5 | ≤10 |
| **3** | Сабзавот майдони | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | ≤3 | ≤5(6) |
| **4** | Боғ | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | ≤2 | ≤2,5( |
| **5** | Пахта ишлаб | 30 | 28 | 27 | 30,2 | 26,5 | 27,5 | | | | | | | | | ≥405 | ≥500 |
| **6** | Буғдой ишлаб | | | | | | | 40 | 44 | 51 | | | | | | ≥340 | ≥450 |
| **7** | Сабзовот ишлаб | | | | | | | | | | 225,6 | 211,7 | 228,1 | | | ≥675 | ≥1040 |
| **8** | Картошка ишлаб | | | | | | | | | | | | | 135,4 | 156,4 | ≥270 | ≥468 |
| **9** | Меҳнат сарфи | 72,5 | 72 | 68,7 | 73 | 68,7 | 69 | 18,5 | 20 | 22 | 104 | 106 | ПО | 118 | 120 | ≥0 | ≥0 |
| | Даромад | 112 | 7 | 931, | 1113, | 89 | 50, | 700 | 770 | 892, | 3496, | 3281, | 3535, | 338 | 3910 | → | → max |

**3,3-жадвал**

## 10 гектаргача ери бор фермер хўжаликлари ривожланиш вариантлари

| | **Кўрсаткичлар** | **Пахта** | | | | | | **Буғдой** | | | | **Сабзовот** | | **Чегаравий шарти** | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | $X_1$ | $X_2$ | $X_3$ | $X_4$ | $X_5$ | $X_6$ | $X_7$ | $X_8$ | $X_9$ | $X_{10}$ | $X_{11}$ | $X_{12}$ | В-1 | В-2 |
| **1** | Ер майдони | 1 | 1 | 1 | | | | 1 | 1 | | 1 | 1 | | ≤10(14) | ≤15(17) |
| **2** | Буғдой майдони | | | | | | | 1 | 1 | | | | | ≤3,5 | ≤4,0 |
| **3** | Пахта ишлаб чиқариш | 30,0 | 28,6 | 26,5 | | | | | | | 1 | 1 | 1 | ≥285 | ≥350 |
| **4** | Буғдой ишлаб | | | | | | | 40,3 | 45,1 | | | | | ≥140 | ≥150 |
| **5** | Сабзовот ишлаб | | | | | | | | | | 173,2 | 211,4 | | ≥200 | ≥250 |
| **6** | Меҳнат сарфи | 72,5 | 71 | 60,7 | | | | 19,5 | 20,1 | | 98 | 105 | | ≥0 | ≥0 |
| | Даромад | 1105,8 | 986,7 | 914,5 | | | | 705,3 | 787,5 | | 2684,6 | 3276,7 | | → max | → max |

**3,4-жадвал**

## 20 гектаргача ери бор фермер хўжаликлари ривожланиш вариантлари

| | Кўрсаткичлар | Пахта | | | | | | Буғдой | | | | Сабзовот | | Чегаравий шарти | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | $X_1$ | $X_2$ | $X_3$ | $X_4$ | $X_5$ | $X_6$ | $X_7$ | $X_8$ | $X_9$ | $X_{10}$ | $X_{11}$ | $X_{12}$ | B-1 | B-2 |
| **1** | Ер майдони | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | ≤20 | ≤25 |
| **2** | Буғдой майдони | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | | ≤5 | ≤7 |
| **3** | Сабзавот майдони | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | ≤2 | ≤2,5 |
| **4** | Пахта ишлаб | 33 | 28 | 30 | 27,6 | 31 | 26 | | | | | | | ≥350 | ≥450 |
| **5** | Буғдой ишлаб | | | | | | | 41 | 43 | 48 | | | | ≥200 | ≥275 |
| **6** | Сабзовот ишлаб | | | | | | | | | | 175,1 | 225,6 | 211,7 | ≥350 | ≥550 |
| **7** | Меҳнат сарфи | 74,5 | 72 | 72,5 | 68,7 | 73,5 | 68,7 | 18 | 18,9 | 20 | 95 | 101 | 104 | ≥0 | ≥0 |
| | Даромад | 1216, | 96 | 1105, | 952, | 1142, | 897 | 717, | 752, | 84 | 2714 | 3496, | 3281, | → | → max |

Чиноз тумани фермер ҳўжаликлари оптимал режаси

3.6-жадвал.

| No | кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Ер майдони | Ер майдони |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ҳамма экин майдони | га | 20Га | 25Га |
| 2 | Шу жумладан пахта | га | 13.8 | 16.8 |
| 3 | Буғдой | га | 4.2 | 5.7 |
| 4 | Сабзавотлпр | га | 2 | 2.5 |
| 5 | Пахта хом ашёси иш.чиқ | Ц | 465.4 | 564.4 |
| 6 | Буғдой иш.чиқариш | Ц | 201.6 | 273.6 |
| 7 | Сабзавот иш. Чиқариш | Ц | 451.2 | 564 |
| 8 | Меҳнат сарфи | Одам/кун | 1314.1 | 1618.1 |
| 9 | Умумий даромад | Млн.сўм | 27.3 | 33.9 |
| 10 | Умумий ҳаражат | Млн.сўм | 20.9 | 25.9 |
| 11 | Умумий фойда | Млн.сўм | 6.4 | 8 |
| 12 | Пахта ҳосилдорлиги База режаси асосида | Ц/Га | 33 | 33 |
| 13 | Энг баланд режа | Ц/Га | 33.7 | 33.6 |
| 14 | 1гектарга оптимал режа бўйича даромад | Минг сўм | 1365.4 | 1358.6 |
| 15 | Фойда | Минг сўм | 322.8 | 322.3 |
| 16 | 1ц пахта иш.чиқ. ҳаражат | Одам/кун | 2.2 | 2.2 |
| 17 | Буғдойга ҳаражат | Одам/кун | 0.42 | 0.42 |
| 18 | Сабзавотга ҳаражат | Одам/кун | 0.45 | 0.45 |
| 19 | рентабеллик | % | 30.6 | 30.8 |

Чиноз тумани фермер ҳўжаликлари оптимал режаси

3.6-жадвал.

| No | кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Ер майдони | Ер майдони |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ҳамма экин майдони | га | 20Га | 25Га |
| 2 | Шу жумладан пахта | га | 13.8 | 16.8 |
| 3 | Буғдой | га | 4.2 | 5.7 |
| 4 | Сабзавотлпр | га | 2 | 2.5 |
| 5 | Пахта хом ашёси иш.чиқ | Ц | 465.4 | 564.4 |
| 6 | Буғдой иш.чиқариш | Ц | 201.6 | 273.6 |
| 7 | Сабзавот иш. Чиқариш | Ц | 451.2 | 564 |
| 8 | Меҳнат сарфи | Одам/кун | 1314.1 | 1618.1 |
| 9 | Умумий даромад | Млн.сўм | 27.3 | 33.9 |
| 10 | Умумий ҳаражат | Млн.сўм | 20.9 | 25.9 |
| 11 | Умумий фойда | Млн.сўм | 6.4 | 8 |
| 12 | Пахта ҳосилдорлиги База режаси асосида | Ц/Га | 33 | 33 |
| 13 | Энг баланд режа | Ц/Га | 33.7 | 33.6 |
| 14 | 1гектарга оптимал режа бўйича даромад | Минг сўм | 1365.4 | 1358.6 |
| 15 | Фойда | Минг сўм | 322.8 | 322.3 |
| 16 | 1ц пахта иш.чиқ. ҳаражат | Одам/кун | 2.2 | 2.2 |
| 17 | Буғдойга ҳаражат | Одам/кун | 0.42 | 0.42 |
| 18 | Сабзавотга ҳаражат | Одам/кун | 0.45 | 0.45 |
| 19 | рентабеллик | % | 30.6 | 30.8 |

# Чиноз туманида пахта ва буғдой етиштиришнинг асосий кўрсаткичлари

3.1-жадвал

| No | кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2007-йил | 2008-йил | 2008йилда 2007йилга нисбати %да |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Пахта хом ашёси ишлаб Чиқариш | Тонна | 23557 | 20882 | 88.6 |
| 2 | Пахта ҳосилдорлиги | Ц/Га | 23.4 | 26.1 | 88.8 |
| 3 | Пахта хом ашёсини етиштиришдан олинган Даромад | Млн сўм | 7208.4 | 8197.5 | 113.7 |
| 4 | Пахтачилик ҳаражатлари | Млн сўм | 6124.8 | 7308.7 | 119.9 |
| 5 | Пахтачиликдан олинган фойда | Млн сўм | 1083.6 | 888.8 | 82 |
| 6 | Пахтачиликнинг рентабеллик даражаси | % | 17.7 | 12.1 | -5.6 |
| 7 | Буғдой ишлаб Чиқариш | Тонна | 33614 | 34124.4 | 101.5 |
| 8 | Буғдойни сотишдан олинган Даромад | Млн сўм | 7019.3 | 8925.2 | 127.2 |
| 9 | Буғдой ишлаб Чиқариш ҳаражатлари | Млн сўм | 5719 | 7166.6 | 125.3 |
| 10 | Буғдойдан олинган фойда | Млн сўм | 1300.3 | 1758.6 | 135.2 |
| 11 | Буғдой етиштириш рентабеллиги | % | 22.7 | 24.5 | +1.8 |